



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО  
РАЗВИТИЯ И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



ТАДБИРКОРИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА  
БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА  
ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА  
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Тошкент  
2021 йил



## Тадбиркорликни ривожлантириш борасида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва ишбилармонлик мұхитини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Ишбилармонлик мұхитини яхшилаш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлаш давлат жамғармасидан молиявий ёрдам олиш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган интеграциялашган “**Тадбиркор**” ахборот тизими жорий этилиб, **10,8 трлн.сўм** тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, банк соҳасига оид янгиликлар, меъёрий ҳужжатлар, статистика ва бошқа маълумотлар олиш учун “**Bank va Mijoz**” онлайн телеграмм бот каналлари ишлаб турибди, ҳамда ҳар бир тижорат банкининг “**Mobile**” иловалари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу иловалар орқали кредитлар олиш имкониятлари яратилган.

Бундан ташқари, **e-auksion.uz** ахборот тизими орқали аҳоли ва тадбиркорлар томонидан давлат мулк обьектлари ва активлари, ер майдонлари ҳамда бошқа кўчмас мулкларни электрон онлайн аукцион савдолар орқали сотиб олишлари бўйича имкониятлар мавжуд.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг “Бизнес юритиш”да эътироф этилган қуйидаги испоҳотлари:

- Электр тизими тармоғига уланиш - тегишли тартиботларни амалга ошириш учун янги муддатларни жорий этиш, идоралараро мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, электр энергетика инфратузилмасини модернизация қилиниши орқали осонлаштирилди.
- Кредит бюроси томонидан коммунал ва чакана савдо ташкилотлари маълумотлари тақдим этила бошланди. Кафолатланган кредиторларга банкротлик иши юритувидан ташқари қолган ҳолатларда бошқа кредиторларга нисбатан устуворлик ҳуқуқини бериши орқали кредит олиш имконияти яхшиланди.
- Солиқ тўлаш тизими – шахсий жамғариб бориладиган пенсия фондига тўловнинг бекор қилиниши, фойда солиғи, фоиз кўринишидаги солиқлар ва иш берувчи тўлайдиган ягона ижтимоий тўлов ставкаларини пасайтирилиши орқали осонлашди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиги бўйича ҳисоботларни тузиш даврийлиги чораклиқдан ойлик тартибга ўзгарди.

- Ҳар бир экспорт партияси учун мувофиқлик сертификатини олиш талаби бекор қилинди.
- Суд мажлисларини кечикиришнинг қатъий қоидалари, асосий суд тадбирлари учун вақт стандартларини жорий этиш ва барча иқтисодий суд қарорларини эълон қилиниши таъминланган.
- Қайта ташкил этиш пайтида овоз бериш механизмларини такомиллаштириш ва кредиторларга молиявий ахборотни талаб қилиш ҳуқуқини бериш орқали кредиторлар учун қайта ташкил этиш механизмини очиш қоидаларини ўрнатиш.

**2020 йил бўйича.** Ишбилармонлик муҳитига таъсир қилувчи асосий фактор бўлган тегишли **қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш** бўйича **жами 97 та**, Қонун ҳужжатлари (19 та), Президент фармон ва қарорлари (41 та), Ҳукумат қарорлари (26 та) ва бошқа (11 та) меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилиб, зарурӣ тақлиф киритилиши ва ўзгартирилишида бевосита иштирок этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги **“Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-4525-сонли қарорининг ижроси бўйича ишлар мувофиқлаштирилиб, юқори турувчи органларга **тизимли мониторинг ва бажарилган ишлар тўғрисида ҳар ойда икки маротаба маълумот** киритиб борилмоқда, рейтинг ўсишига ижобий таъсир берган **10 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди (**3 Қонун, 2 Фармон, 4 қарорлар, 1 бўйруқ**) ҳамда бугунги кунга келиб яна **3 та** ҳужжат лойиҳаси Ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига киритилган.

Шу билан бир қаторда, **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан 7003 та** тадбиркорлик субъектларининг **13,5 трлн.сўмлик** кредитларига **5,2 трлн. сўмлик кафилликлар** тақдим этилди, **18 675 та** тадбиркорлик субъектларига **28,3 трлн. сўмлик** кредитлар бўйича **3,6 трлн. сўмлик компенсация шартномалари** имзоланди.

Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари туман ва шаҳарларида аҳоли ва янги тадбиркорлар учун ўқув-семинарлар ўтказилди ва уларда **1000 дан** ортиқ иштирокчилар қамраб олинди.

Бунда, “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини тадбиқ этиш юзасидан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари туман ва шаҳарларида аҳоли ва янги тадбиркорлар учун ўқув-семинарлар ўтказилди ва семинарлар якунида маҳаллий телевиденияларда оммавий ахборот воситалари вакиллари ва тадбиркорлар билан **тўғридан-тўғри эфир орқали “очик муроҷот”**лар ўтказилди.

Худди шундай тадбир, Қашқадарё вилоятида туман ва шаҳарларида **аҳоли ва янги тадбиркорлар учун ўқув-семинарлар** ўтказилди ва уларда 400 дан ортиқ иштирокчилар қамраб олинди.

Шунингдек, Хоразм вилоятининг 200 дан ортиқ тадбиркорлари учун биринчи “Жайхун бизнес форуми” ташкил этилди. Унда республикамизнинг муваффақиятли ишбилиармонлари ўз “**маҳорат дарслари**” билан иштирок этишди. Шунингдек, вилоятнинг туман ва шаҳарларида аҳоли ва янги тадбиркорлар учун ўқув-семинарлар ўтказилди.

**Пандемия** даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлар орасида секторлар кесимида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари ва сектор раҳбарлари (Sektor.uz) ўртасида “**Онлайн**” муроҷот қилиш бўйича янги тизим ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “**Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-4691-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Европа инвестиция банки иштироқида “**Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш**” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилиб, манфатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Вазирлар Маҳкамасига қабул қилиш учун киритилган.



2021 йилнинг 1-чорагида тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган бюрократик тўсиқларни баратарф этиш ва ишбилиармонлик муҳитига таъсир қилувчи асосий фактор бўлган тегишли **қонунлар ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш** бўйича жами 45 та, Қонун ҳужжатлари (5 та), Президент фармон ва қарорлари (9 та), Ҳукумат қарорлари (22 та) ва бошқа (9 та) меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилиб, зарурий таклиф киритилиши ва ўзгартирилишида бевосита иштирок этилди.

2021 йил 5 марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси томонидан “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиш учун ўрганиб чиқилмоқда.

**Лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг 26 тури бекор қилинди, 45 тури бирлаштириш йўли билан бекор қилинди, 23 тури хабардор қилиш тартиби** жорий этилиши йўли билан **бекор қилинади** ҳамда **14** турининг расмийлаштириш муддатлари қисқартирилди.

Шу билан бирга, тадбиркорликни ривожлантириш, **бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш** каби амалга оширилган кенг кўламли ишлар аҳоли тадбиркорлиги, айниқса чекка ҳудудлардаги муҳтоҷ оиласарнинг оиласавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини тақозо этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сонли “**Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қарори қабул қилиниб, топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, қарорга мувофиқ, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган 3 та босқичдан иборат тизим яратилди. Жумладан, **мотивация бериш, ўқитиш ва кредитлашнинг замонавий ва самарали тизими ишлаб чиқилди.**

*(Мазкур тизимни амалга ошириш учун аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг миёсда жалб қилиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда*



**тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг йўналишларини амалиётга жорий этиш бўйича қарор қабул қилинди.)**

**Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш яхлит тизими니**

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш мақсадида Агентлик марказий аппаратининг тузилмаси такомиллаштирилди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича **ваколатли оғислари очилиши** бўйича қарор қабул қилиниб, оғислар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича маҳаллий ҳокимиятлар билан биргалиқда амалий чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, “Микрокредитбанк” АТБнинг “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойили асосида “Ёшлар:1+1” дастури доирасида ишсиз ва уюшмаган ёшларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш бўйича ўқув курсининг ўқув дастури ва режаси ишлаб чиқилди.

**Жорий йилда амалга оширилаётган ишлар.** Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 25 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 02/1-2257-сонли топшириғи асосида Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари агентлигининг **“Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бизнес лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қўшма қарори қабул қилинди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасидаги “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканларида касб-хунарга ўқитиш – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тузилмасидаги нодавлат таълим ташкилотларида – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан;

“Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси, Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази, Ёш фермерлар кенгashiда – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан маҳсус ўқув курслари ташкил этилади.

Ушбу Қўшма қарор орқали ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаб, сертификат олган битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиш учун тижорат



банклари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида микрокредитлар ажратилиши тавсия этилди.

2021 йил январ-апрел ойлари давомида **31 161 нафар** ёшлар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилиб, сертификатга эга бўлдилар. Шунингдек, жорий йилнинг белгиланган даврида “Ёшлар:1+1” дастури асосида тадбиркор ва уста-хунармандларга бириктирилган ёшлар ва хотин-қизлар сони **24 960** нафарни ташкил этди.

Агентлик томонидан ҳудудларда ПҚ-4862 га мувофиқ ўқув дастурларида иштирок этиш истагини билдирган НТТларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилган бўлиб, уларнинг умумий сони **488 тани** ташкил этди, шундан умумий НТТлар орасидан **164 таси** ёки **34 фоиз** ташаббускор аёл тадбиркорлар ҳисобланади.

Ўқув дастурларида Тошкент шаҳрида **135 та**, Бухоро **109 та**, Қашқадарё **87 та**, Тошкент **32 та**, Фарғона **28 та**, Навоий **20 та**, Сурхондарё **16 та**, Наманган ва Сирдарё **13 тадан**, Самарқанд ва Андижон **9 тадан**, Жizzах **7 та**, Хоразм **5 та**, Қорақалпоғистон Республикасида **6 та** НТТлар қатнашиш истагини билдирган.

Шунингдек, дастлабки рўйхатга мувофиқ касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш тадбиркорлик асослари (**32 та**), бизнес лойиҳа ишлаб чиқиш (**22 та**), тикувчилик асослари (**17 та**) каби асосий ва бошқа турли йўналишларни ташкил қиласди.

Бугунга қадар ССП қошидаги **14 та** НТТ ва **3 та** унитар корхонада **24 600** дан ортиқ ёшлар ва аёллар ўқув курсларига қамраб олиниб, улардан **19 700** дан ортиғи сертификатларга эга бўлган ва **1 117** таси оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратиладиган сертификатларга эга бўлди. Шунингдек, **4 930** нафар ёшлар ва аёллар ўқув жараёнларини давом эттиromoқда ва **4 700** нафардан ортиғи кейинги ўқув курсларига рўйхатга олинган.

Бундан ташқари, Бандлик ва мөҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги **14 та** ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан **3 та** ўқув **муассасада** жами **9 502** нафар ёшлар ва аёллар тадбиркорлик кўниқмаларига эга бўлди ва тегишли сертификатларни қўлга киритиб, кредитлар олиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **“Худудларда тадбиркорликни ривожлантиришда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги



йиғилиш баёни ижроси юзасидан графикка мувофиқ Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида тадбиркорликни ривожлантиришда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш бўйича ишчи гурӯҳ жойларда бюрократия тўсиқлар ва мавжуд муаммолар ва давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги бўйича тадбиркорлар билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ҳудудларида жойига чиққан ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги муаммолар ўрганилди. Маҳаллий телевиденияларда аҳоли ва тадбиркорларга испоҳотларнинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинди.

Бугунги кунга қадар Қашқадарё, Фарғона ва Наманган вилоятларида тадбиркорлар билан мулоқат ва учрашувлар ўтказилди.

**Амалга оширилган ишлар натижада**, Республика бўйича 2021 йил 3 ойида **26 812 мингта** тадбиркорлик субъектлари **рўйхатда ўтказилиб**, жами тадбиркорлар сони **458,8 минг тани** ташкил этди.

2021 йилнинг январ-март ойларида **5946** та тадбиркорлик субъектларининг **6,7 трлн.** сўмлик кредитларига **1,3 трлн.** сўмлик молиявий ёрдамлар кўрсатилди.

**Тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 79 383** та лойиҳаларга **1902,0 млрд.** сўм кредитлар ажратилган. Шундан:

**хотин-қизларнинг 37 770** та лойиҳаларига **885,0 млрд.** сўм ва Ёшларнинг **28 376** та лойиҳаларига **706,0 млрд.** сўм кредитлар ажратилди.

Натижада, **85,5** минг та, шундан, **43,6** минг та хотин-қизлар ва **33,6** минг нафар ёшлар бандлиги таъминланди.

**2021** йил якунига қадар тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш учун қулай мухит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби амалга оширилган кенг кўламли ишлар аҳоли тадбиркорлиги, айниқса чекка ҳудудлардаги мухтоҷ оиласарнинг оиласавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини тақозо этди.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва муҳокамага берилди.

(Шунинг билан, республикада кичик бизнес субъектлари тоифасига оид янгиланган мезонларни белгилаш ва жорий этиш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда йирик корхоналар ҳукуқларини ва қонуний



манбаатларини амалга оширишга оид механизмларни таомиллаштирилади).

Шунга кўра, мазкур қарор лойиҳаси белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, Европа инвестиция банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хulosаси асосида қайта кредитлаш битими имзоланиши кутилмоқда.

Шунингдек, бугунги кунга қадар, бизнесни юритиш учун қулай мухит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **ЕТТБ** ҳамда “*Berlin Economics*” мустақил иқтисодий сиёсий консалтинг ташкилоти билан ҳамкорликда уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари түғрисида**”ги Қонунининг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Шундан келиб чиқиб, **ЕТТБ** ҳамда “**Berlin Economics**” мустақил иқтисодий-сиёсий консалтинг ташкилоти вакиллари келгусида кичик ва ўрта бизнес соҳасини ҳуқуқий тартибга солиниши, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш (қонун ёки кодекс сифатида ишлаб чиқилиши) борасида муҳокамалар олиб бориш ва ҳамкорлик қилиш истагини билдиришмоқда.

Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий тадбиркорлик түғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига киритилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги билан биргаликта тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ **5 мингга яқин Қонун ва Қонуности ҳужжатлар** тақомиллаштирилади.

Бунда, Ягона концептуал ҳужжат амалиётга тадбиқ этилади.

Айрим фаолият турларига рухсат бериш тартиб-таомиллари мувофиқлаштирилади.